

МУСУЛМОН ШАРҚИДА МУСИҚА САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Zaynab Komiljonova,

*Xadichai Kubro" ayol-qizlar o'rta maxsus
islom ta'lim muassasasi ma'naviy-ma'rifiy
ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari*

Аннотация. *Мазкур мақолада мусулмон Шарқида мусиқа санъатининг шаклланиши, ривожига унинг ислом маданияти ҳамда тасаввуф тафаккури билан узвий алоқаси ёритилади. Мусиқа Шарқ фалсафаси, мантиқ, математика ва табиий фанлар билан узвий боғлиқ илмий тизим сифатида талқин этилиб, Форобий, Ибн Сино, Сафийуддин Урмавий ва Абдурахмон Жомий сингари алломаларнинг назарий қараишлари асосида таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада Қуръон оятлари, ҳадислар ва фикҳий манбалар асосида исломда мусиқанинг шаръий мақоми, уни тинглаш ва ижро этиш борасидаги тарихий баҳслар таҳлил қилинади.*

Тадқиқотда Имом Ғаззолий, Сухравардий, Хужвийрий каби мутасаввифларнинг мусиқага нисбатан ижобий ёндашувлари, саҳобалар ҳаётидаги мисоллар, шунингдек, Расулulloҳ (с.а.в.) давридан келтирилган саҳиҳ ҳадислар асосида мусиқа санъатининг диний ва ахлоқий чегаралари аниқланади. Муаллиф, ислом маданияти ҳеч қачон санъат ривожига тўсиқ бўлмаганини, аксинча, чекловлар мавжуд бўлган даврларда ҳам янги ижодий йўналишлар ва эстетик шакллар пайдо бўлганини илмий далиллар билан асослайди.

Мақола якунида, мусулмон жамиятининг санъат ва нафосатни ривожлантиришидаги ўрни, эстетик дидни шакллантириши ва маданий савияни ошириши борасидаги масъулияти алоҳида таъкидланади.

Калит сўзлар: *Ислом маданияти, мусиқа санъати, тасаввуф, Форобий, Ибн Сино, Сафийуддин Урмавий, Абдурахмон Жомий, Имом Ғаззолий,*

Қуръон, ҳадис, шаръий ҳукм, эстетик тафаккур, маданий ривож, мусулмон жамияти.

Мусулмон Шарқи маданияти тарихида муסיқа санъати муҳим ўрин эгаллайди. У нафақат бадиий ифода воситаси, балки жамиятнинг маънавий-маърифий тараққиётидаги илмий ва фалсафий жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган маданий тизим сифатида намоён бўлади. Муסיқа санъати Ислом цивилизациясининг турли даврларида илм-фан, адабиёт ва тасаввуфнинг ажралмас қисми бўлиб, инсон онги ва руҳиятига таъсир этувчи маънавий омил сифатида таҳлил этилган.

Мусулмон Шарқида муסיқа назарияси фақат амалий кўникмалар ёки ижрочилик санъати билан чекланиб қолмаган. Унинг илмий асослари фалсафа, мантиқ, математика ва табиатшунослик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган. Хусусан, Форобий, Ибн Сино, Сафийуддин Урмавий, Абдурахмон Жомий каби мутафаккирлар муסיқа илмини назарий жиҳатдан такомиллаштириб, унинг ижтимоий ва ахлоқий аҳамиятини асослаб бердилар. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотда мусулмон Шарқида муסיқа санъати ривожининг назарий асосларини фалсафий, эстетик ва илмий йўналишларда таҳлил қилиш, унинг шаклланиш босқичлари ҳамда илм-фан тизимида тутган ўрнини белгилаш мақсад қилиб қўйилади.

Шундай бўлсада, баъзилар исломда муסיқа ижро этиш ёки тинглаш борасида нотўғри тасаввурларга берилиб, ҳатто буни таъқиқланган, деган фикрларни айтишгача борадилар. Исломнинг бирламчи манбалари ва тарихга назар ташласак бунинг аксини кўришимиз мумкин. Рум сурасининг 15-оятда: **“Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганлар эса (жаннат) гулшанида шодланурлар”**, дейилган. Кўпчилик саҳобийлар ва муфассирлар оятнинг охиридаги **“шодланурлар”** феълини **“муסיқа тинглайдилар”**, деб изоҳлаганлар. Маҳмуд Замахшарийнинг **“Кашшоф”** тафсирида ушбу оятга бир узун ҳадис илова қилинган бўлиб, унинг мазмунига кўра, Пайғамбар (с.а.в.) жаннатдаги муסיқанинг васфини келтирганларида бир бадавий ўрнидан туриб кетиб, **“Жаннатда ҳам муסיқа**

бор эканми?”, деб юборади. Шунда Пайғамбар (с.а.в.) “Бўлмаса жаннатнинг жаннатлиги қолармиди?”, деган эканлар.

Муסיқанинг шаръий ҳукми, унинг келиб чиқиши ҳақида тариқат аҳллариининг ўртасида ҳам муайян ихтилофлар мавжуд. Жумладан, муסיқани ёқловчилар орасида Имом Ғаззолий, Сухравардий, Хужвирий ва бир қанча нақшбандия пирлари ҳам бор. Муסיқа тинглашнинг шаръан жоизлигига далил сифатида қуйидаги ҳадисларни келтирадилар.

Набий (с.а.в.): “Қуръонни овозларингиз билан зийнатланг. Албатта, гўзал овоз Қуръон гўзаллигини зиёда қилади”, – дейдилар. Ва яна: “Ҳар бир нарсанинг зийнати бордир, Қуръоннинг зийнати гўзал овоздир” – дейдилар.¹

Шунингдек, муסיқа тинглашнинг мубоҳлиги ҳақида “Саҳиҳи Бухорий” ҳадисларидан қуйидагиларни келтирадилар:

“Оиша (р.а.) ривоят қиладилар: “Ҳузуримга (отам) Абу Бакр кирдилар. Олдимда иккита ансория жория қизлар “Буос” кунига бағишланган байтларни ашула қилиб айтаётган эдилар. Лекин, иккала жория қиз ҳам ашулачи эмас эди. Шунда Абу Бакр: “Шайтоннинг сурнайлари (келиб-келиб) Расулуллоҳнинг уйларида чалинадими?” – деб қойидилар... Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Эй Абу Бакр, қўяверинг уларни, ҳар бир қавмнинг байрами бордир, бугун бизнинг байрамимиз!” деган эдилар.”²

“Рабе бинт Муаввиз айтадилар: “Мен келин бўлиб туширилган кечанинг эртасига эрталаб Расулуллоҳ (с.а.в.) кириб келдилар-да, мен солган тўшакка худди сиз ўтирганингиздек ўтирдилар. Қизлар эса, доира чалишиб, Бадрда вафот қилган оталарини эслашарди, уларнинг биттаси: “Орамизда Пайғамбар борлар, эртага нима бўлишини ҳам биладилар, – деб қуйлади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Бу қўшиғингни бас қил, аввалги қўшиғингни айтавер!” – дедилар.”³

Шунингдек, “Сунани Ибн Можа”да саҳиҳ санад билан келганбир

¹ 1038 ينفحلا معنملا دبع روتكد. تيفوصلا ةعوسوما. ذر هاقلا : 2006 ص

² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жоме ас-Саҳиҳ. 1 жилд, Икки ҳайит китоби. – Т.: 1991. – Б. 259.

³ Ўша Манба. 3 жилд, Китобул мағозий – Б. 17. шунингдек қаранг: Никоҳ китоби – Б. 410.

ҳадисда:

Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қилинадики: “Бир куни Пайғамбар (с.а.в.) Мадина кўчаларидан кетаётганида жория қизларнинг: “Биз Бану Нажар қабиласиданмиз, Муҳаммадга кўшни бўлганимиздан хурсандмиз” – деб куйлаётганини эшитиб қолдилар, ва уларга: “Аллоҳга қасамки Мен ҳам сизларни яхши кўраман” – дедилар,”⁴

Имом Ғаззолий: “Муסיқа тинглаш, дуф (ноғора) ишлатиш ҳақидаги насслар, ғино, рақс, дуф чалиш, қилич ва найзаларни ўйнатиш, шунингдек, ушбуларни томоша қилиш ҳамда тинглашнинг жоизлигига ишора қилади.”⁵ – дейдилар. “Мукошафату-л-қулуб”да яна шундай дейилади: “Пайғамбармизнинг (с.а.в.) сафдошларидан Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Муғира ибн Шуъба, Муовия ва бошқалар кўшиқ тинглаганлар. Қадимда яшаб ўтганлардан, саҳобалар ва тобеинлардан бир қанчалари ҳам муסיқа тинглашни айб кўрмаганлар. Солим ибн Абу Ҳасандан “кўшиқ тинглашни ҳаром дея оласизми?” деб сўрашганда, у шундай деганди: – Мендан яхшироқ кишилар уни жоиз ҳисоблашар ва тинглашар эди. Шундай бўлгач, мен нима дея оламан?”

Ҳадисларга эътибор қаратсак, Пайғамбар (с.а.в.) кўшиқнинг мазмунигагина эътироз билдирганлар. Демак, кўшиқларнинг мазмуни, сифати танқид остига олиниши, ҳатто таъқиқланиши ҳам мумкин. Аммо жаҳон маданияти дурдоналарига айланган юксак савия ва дидга эга муסיқий асарлар, ҳар бир сўзи чуқур ва теран маъноларга эга миллий мақомлар бундан мустасно, албатта.

Ислом дини маданият ва санъат равнақига ҳеч қачон тўсқинлик қилмагани, ҳатто муайян чекловлар ўрнатилганида ҳам янги-янги ғоялар ва услублар, санъатнинг ўзгача йўналишлари ривожига йўл очиб бергани кўриниб турибди. Бу эса ўз навбатида, ҳозирги замон мусулмон кишиларининг замонавий турмуш тарзида кенг тарқалган маданият

⁴ Юсуф Хаттар Муҳаммад. Суфийская энциклопедия. Казань: Иман, 2004. – С. 83.

⁵ Ўша манба. – С. 85.

<https://scientific-jl.com/>

намуналари ва санъат асарларига кенгроқ дунёқараш билан ёндошиш, ўзига ёққан нарсадан эстетик завқ олиш, ёқмаган нарсага бағрикенг муносабатда бўлиш, гўзалликни ҳар ким ўзича тушуниши, унинг турли қирраларини англаш, маданий савиянинг шаклланишида ҳар бир унсурнинг ўз ўрни борлигини англаб етишини талаб этади. Муслмон жамияти дид ва нафосатни, санъат ва маданиятни шакллантирувчи, муҳофаза этувчи, ривожлантирувчи, бошқаларга тарғиб этувчи ва бу борада ўрнатқ бўлувчи салоҳиятга эга жамият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши ҳар бир муслмоннинг зиммасидаги муқаддас бурчидир.